




Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 31 октябрь, пайшанба, №127 (3473).



СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЎРНАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯ ИМЗОЛАНДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Мўғулистонга давлат ташрифи доирасида икки давлат вакиллари ўртасида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

1. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Мўғулистон Ҳукумати ўртасида пенсия таъминоти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим;
2. Қозоғистон Республикаси ва Мўғулистон ўртасида 2025-2027 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорликни жонлантириш бўйича "Йўл харитаси";
3. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Мўғулистон Ҳукумати ўртасида авиация қидирув-қутқаруви соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим;
4. Қозоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Мўғулистон Йўл ва транспортни ривожлантириш вазирлиги ўртасида автомобиль йўллари ривожлантириш бўйича меморандум;
5. Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Мўғулистон Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 2025-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик режаси;
6. Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ва Мўғулистон Маданият, спорт, туризм ва ёшлар ишлари вазирлиги ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
7. Қозоғистон Республикаси Сайёҳлик ва спорт вазирлиги ва Мўғулистон Маданият, спорт, сайёҳлик ва ёшлар ишлари вазирлиги ўртасида ушбу соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
8. Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Мўғулистон озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва енгил саноат вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
9. Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ветеринария назорати ва назорат қўмитаси ва Мўғулистон ветеринария бош бошқармаси ўртасида ветеринария хизмати ва карантин бўйича ўзаро англашув меморандуми;
10. Қозоғистон Республикаси Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазирлиги ва Мўғулистон Рақамли тараққиёт, инновациялар ва коммуникациялар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;
11. Қозоғистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва Мўғулистон Атом энергияси бўйича комиссияси ижроия девони ўртасида атом энергетикаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум.

Қасим-Жўмарт Тўқаев:

ХАЛҚЛАРИМИЗ – БУЮК ДАШТ ТАМАДДУНИ ВОРИСЛАРИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Ухнаагийн Хурэлсух икки мамлакат делегациялари аъзолари иштирокида кенгайтирилган таркибда музокаралар ўтказди.



ҚР ПРЕЗИДЕНТИ МЎҒУЛИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН КЕНГАЙТИРИЛГАН
ТАРКИБДА МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗДИ

Қозоғистон Президенти давлатлараро муносабатларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларига тўхталди.

– Қозоқ ва мўғул халқлари Буюк Дашт тамаддунининг ворисларидир. Ҳамкорликни янги стратегик босқичга кўтаришдан икки давлат ҳам манфаатдор. Сизнинг ташаббусингиз билан кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда. «Vision-2050», «Озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги», «Соғлом мўғул халқи» каби муҳим давлат дастурлари амалга оширилмоқда, – деди ҚР Президенти.

Қасим-Жўмарт Тўқаев мамлакатлар ўртасида парламентлараро ва ҳукуматлараро яқин алоқалар ўрнатилганини, ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун улкан имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

– Савдо-иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, транспорт-логистика, тоғ-кон саноати, саноат, сармоа, янги технологиялар, космик ўзлаштириш каби соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштириш зарур. Бугун имзоланган ҳужжатлар сиёсий ва иқтисодий телекоммуникациялар ривожига янги суръат бағишлайди, деб ўйлайман, – деди ҚР Президенти.

Бундан ташқари, Давлат раҳбари маданий-гуманитар алоқа-

ларни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлаб, Астана шаҳрида ўтган V Бутунжаҳон кўчманчилар йўналишида иштирок этган мўғулистонлик спортчиларга миннатдорчилик билдирди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон мўғул талабалари учун квоталар сонини оширишга тайёрлигини маълум қилди. Шунингдек, у икки мамлакат олимларини умумий бой тарихий меросимизни биргаликда ўрганишни таклиф қилди.

Бундан ташқари, ҚР Президенти экологик, тарихий, этнографик ва иқтисодий сайёҳлик йўналишларида ҳамкорлик қилиш учун

улкан имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

– Қозоғистон турсоператорлари мўғулистонлик сайёҳларни Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси жойлашган қадимий Туркистон шаҳри билан таништириши мумкин. Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўши хоннинг қабри жойлашган Ули-тау вилояти ва бошқа сайёҳлик масканларни кўрсатиши мумкин. Шунингдек, биз Мўғулистон билан Олтой сайёҳлик кластерини ривожлантириш, умумий сайёҳлик йўналишларини шакллантиришдан манфаатдормиз, – деди Давлат раҳбари.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Мўғу-

листон Президентини давлат ташрифи билан Қозоғистонга таклиф қилди.

Ўз навбатида, Ухнаагийн Хурэлсух Мўғулистон Қозоғистон билан икки томонлама муносабатларнинг барча йўналишларини мустаҳкамлаш тарафдори эканлигини тасдиқлади. Бугун эришилган келишувлар икки давлат муносабатларида янги саҳифа очишига ишонч билдирди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Akorda.kz
маълумотлари асосида.

САФАР ДОИРАСИДА ПРЕЗИДЕНТ МЎҒУЛИСТОН БОШ ВАЗИРИ ЛУВСАННАМСРАЙН ОЮН-ЭРДЭНЭ БИЛАН УЧРАШДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев кончилиқ, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, сайёҳлик ва таълим соҳаларида қўшма ташаббусларни амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Бош вазир Лувсаннамсрайн Оюн-Эрдэнэ Мўғулистон Ҳукумати давлат раҳбарлари даражасида қабул қилинган қарорларни амалга оширишга тайёр эканлигини таъкидлади.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.



Жетисай туманини 2030 йилгача ривожлантириш режаси вилоят ҳокими Дархан Сатибалди иштирокида муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Тумандаги устувор вазифалар белгиланиб, тегишли топшириқлар берилди. Минтақа раҳбари туман ҳокимига янги ишлаб чиқариш корхоналарини очиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қайта ишлаш саноатини жонлантириш юзасидан топшириқлар берди.

ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР, ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИ

– Туман салоҳияти юксак бўлишига қарамай, кўрсаткичлар паст. Бутун кучни бириктириб, ишни тизимли ташкил этиш керак. Мамлакатга истиқболли лойиҳалар ва янги ишлаб чиқариш қувватлари керак. Обикор майдонларни тўлиқ ўзлаштириш, сувни тежай технологияларини жорий этиш йўналишини кучайтириш зарур. Туманга етарли даражада ёрдам кўрсатилмоқда. Ундан сармалари фойдаланинг. Қишлоқ хўжалигини ранг-баранглаштиришга устувор аҳамият қаратиш даркор, – деди Дархан Сатибалди.

Туман ҳокими Серик Мамитовнинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги, савдо, саноат ва курилиш соҳаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда сармоа жалб этиш, янги технологияларни жорий этиш, меҳнат унмдорлигини ошириш, ишсизлик даражасини пасайтириш борасидаги ишлар жонлантирилади.



Туманда жорий йилнинг 9 ойда ялли минтақавий маҳсулот ҳажми 112,5 млрд. тенгени ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,2 фоизга ўсди.

Ишлаб чиқилган тараққиёт дастурида барча кўрсаткичларни яхшилаш кўзда тутилган. 2030 йилга бориб минтақавий маҳсулотнинг умумий ҳажми 2,3 баравар ошиб, 387 млрд. тенгегача етказилади.

Саноат соҳасида 63,2 млрд тенгелик 20та лойиҳа амалга оширилади. Натижада, 2706 киши иш билан таъминланиб, бюджетга 1 млрд. 260 млн. тенге солиқ тушади. Туманда 50 гектар майдонда "Жетисай" индустриявий минтақасини очиш режаланган.

Ҳозирги кунда туманда доқонуний берилган ер участкаларини давлатга қайтариш тадбирлари давом этмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

МУНОЗАРА МАЙДОНИДА – ЭНГ КУЧЛИЛАР

Туркистонда вилоят ҳокими кубоги учун "Мунозара – етакчилар майдони" мавзусида республика мунозара мусобақалари ўтди.



Тадбир университет талабалари ўртасида "Ёшлар имконият маркази" томонидан ташкил этилди. Мусобақаларда Алматы, Туркистон вилоятлари ва Шимкент шаҳридан 28та жамоа иштирок этди. Натижада Туркистон вилоятининг "Кенесари" жамоаси Бош совринни кўлга киритган бўлса, Алматы вилоятининг "Айшуақ хан" жамоаси 1-ўринни эгаллади. 2-ўринни Шимкентнинг "Жангирхан" ва 3-ўринни "Есим хан" жамоалари эгаллади.

Юксак савияда ўтган республика турнири ғолиблари махсус ташаккурнома, пул мукофотлари ва кубок билан тақдирланди.

Вилоят минақавий алоқалар хизмати.

● Обуна-2025

"ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН" – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий!

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна бошланди.

Мустақиллик билан тенгдош халқ минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгаўйи вазифасини ҳалол ва виждонан адо этмоқда. Ҳамisha шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилоқ истасангиз, кун сайин вилоят

янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан бохабар бўлаи дасангиз, ҳеч иккиланмай суякли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ўзлинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси:
«Қазпошта» ҲЖ орқали –
3415,50 тенге;

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 65466



▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди раислигида туман, шаҳарларнинг тараққиёт режасини муҳокама қилиб, тасдиқлаш ишлари давом этмоқда. Навбатдаги учрашув Сайрам туманида ўтди.

Унда сўзга чиққан ҳоким Арман Сабитов тумanning 2030 йилгача тараққиёт режасини баён қилди. Мажлисида мутасадди бошқарма раҳбарларининг иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, сайёҳлик соҳаларини ривожлантириб, аҳоли бандлиги борасидаги тақлифлари тинланди.

Вилоят ҳокими минтақада ишлаб чиқариш ўринларини кўпайтириб, уларни инфратузилма тизимлари билан таъминлаш, сайёҳлик соҳасини ривожлантириш юзасидан кўрсатмалар берди.

– Туман ва шаҳарларнинг тараққиёт стратегиясидаги барча лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиши керак. Сайрам туманининг салоҳиятини юксалтириш йўналишида натижалар ишлаб чиқариш бўлими, қишлоқ меҳнатқашларининг фаровонлиги, даромадини оширишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш керак, – деди Дархан Сатибалди.

Жорий йилнинг 9 ойи натижаларига кўра, ялпи минтақавий маҳсулот ҳажми 203,1



млрд. тенгега етиб, юксалиш 19,2 фоизни ташкил этди. Унинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги, саноат, савдо, қурилиш соҳаларига тегишли.

Ҳокимнинг таъкидлашича, Сайрам тумани асосан сут, гўшт маҳсулотларига ихтисослашган бўлиб, озиқ-овқат саноати ривожланган ва тадбиркорлик фаоллиги билан ҳам ажралиб туради. Худудда аҳолиси зич жойлашганлиги

сабабли уй-жой қурилиши учун ажратилган ерларни инфратузилма тизимлари билан таъминлаш мушкул, қолаверса, тизимларнинг эскириши ва электр қувватининг танқислиги сезилмоқда.

Жорий йилда, хусусий сармоялар ҳажмини 2,6 баравар ошириб, 135 млрд. тенгега етказиш режаланган. 6 йилда қиймати 1 115,3 млрд. тенгелик саноат, қишлоқ хўжалиги,

савдо ва сайёҳлик соҳаларида 100дан зиёд сармоявий лойиҳа амалга оширилади. Натижада 7 мингга яқин иш ўрни очиш режаланган.

Янги иш ўринларини очиш ҳисобидан саноат маҳсулоти ҳажмини 2030 йилга қадар 3,7 баравар ёки 205,4 млрд. тенгега етказиш режаланган. Режага кўра, 6 йилда 635,1

млрд. тенгелик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 2030 йилга қадар чорвачилик соҳасида 48,1 млрд. тенгелик 15та лойиҳа амалга оширилиб, маҳсулот ҳажми 188,2 млрд. тенгега етказилади.

Саноат соҳасида 2030 йилгача қиймати 912, 7 млрд. тенгелик 48та лойиҳани амалга ошириш натижасида 3 мингдан

зиёд янги иш ўринларини очиш режаланган. Келгусида сут маҳсулотлари етиштириш, мол қолдиқларини қайта ишлаш цехи, озуқа ишлаб чиқариш, юк транспортларининг тиркамаси ҳамда махсус транспортлар ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат саноати соҳасига доир лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.



АРИСНИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ



Арис шаҳрида саноат корхоналари сони кўпайиб, сармоя ҳажми ортмоқда. Қишлоқ хўжалиги, логистика соҳаларида муҳим лойиҳаларни амалга ошириш режаланмоқда.

Ушбу ишларнинг барчаси Арис шаҳрининг 2030 йилгача иқтисодий тараққиёт стратегиясига киритилди. Мазкур ҳужжат вилоят ҳокимлигида ўтган махсус мажлисда таништирилди.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Арис шаҳри транзит, логистика ва саноат салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиши зарурлигини таъкидлади.

– Тараққиёт стратегиясидаги ҳар бир режа ва кўрсаткичлар бажарилиши шарт. Сармоя ҳажмини янада ошириш, иш ўрни кўпайтирадиган лойиҳалар қўллаб-қувватланиши керак. Ариснинг имкониятлари мўл. Яхши ташаббуслар бисёр. Натижа кутиб қоламан, – деди Дархан Сатибалди.

Арис шаҳри ҳокими Гулжан Қурманбековнинг таъкидлашича, ўтган 9 ой натижаларига кўра, ялпи маҳсулот ҳажми 38,5 млрд. тенгени ташкил қилди.

Тақлиф этилаётган тараққиёт режасига мувофиқ, 2030 йилгача Арисда саноат маҳсулотлари ҳажми 12,6 млрд. тенгедан 35,8 млрд. тенгега етади. Қайта ишлаш саноати 20,4 млрд. тенгега етиб, икки баравар ошади.

»» Тоза Қозоғистон

ҲОКИМЛАР РЕЙТИНГИ ТАЙЁРЛАНДИ



Вилоятимизда “Тоза Қозоғистон” дастури самарали давом этмоқда. Йил охиригача тасдиқланган жадвалга мувофиқ, шаҳарларда жами 624та шанбалик ташкил этилди. Дастурга оид масалалар вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигида ўтган девон мажлисида атрофлича муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари мутасадди бошқармаларга ушбу йўналишдаги ишларни янада жонлантириш, такомиллаштириш ва назоратни кучайтириш юзасидан топшириқлар берди.

Мажлисида вилоят ҳокимининг ўринбосари Зулфасов маъруза қилиб, вилоят миқёсида шанбаликлар мунтазам ўтказиладигани таъкидлади. Ўтган ҳафта 14та тумanning 35 аҳоли манзилида шанбалик ўтказилиб, уларда 3 мингдан зиёд фуқаро ва 67та техника иштирок этди. Натижада 40 тонна чиқинди аҳоли манзилдан ташқарига чиқарилди. Туман ва шаҳарларга кириш қисми тозаланиб, тартибга келтирилди.

Республика куни муносабати билан ҳам шаҳар ва туманларда шанбаликлар уюштирилди. Уларда 30 мингдан зиёд фуқаро ва 456та техника иштирок этди. Умумхалқ ҳашарларда 790 туп кўчат ўтказилиб, 200тадан зиёд бекат тартибга келтирилди, ички йўл бўйлари тозаланди.

Вилоят ҳокимининг топшириғига кўра, “Тоза Қозоғистон” дастурини уюштириш бўйича туман, шаҳар ҳокимларининг рейтингини ишлаб чиқилди. Ҳокимларнинг фаолиятини баҳолашда бир неча кўрсаткич эътиборга олинди. Натижада Туркистон шаҳри ва Байдибек, Мақтаарал, Жетисай туманларининг кўрсаткичлари ижобий бўлса, Сарноғоч, Чордара, Тулкибош туманлари ва Арис, Кентов шаҳарлари иши ўрта даражада баҳоланди.

Бугунги кунда ободонлаштириш қодаларига мувофиқ, 25 мингдан зиёд хусусий уй, 15 мингдан зиёд тадбиркорлик иншоотида мониторинг юритилди. Натижада мингдан зиёд оғоҳлан-тириш берилиб, 625та жарима солинди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштириш юзасидан кўчат ўтказиладиган жойлар режаланиб, тайёргарлик ишлари юритилмоқда. Ноябрь ойидан эътиборан кўчатлар ўтказилади.

ИСИТИШ МАВСУМИГА ТАЙЁР



рилоқда. У тежалган бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Давлат хариди танлови натижасида голиблар аниқланиб, тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Минтақадаги 12 туман ва шаҳарда иситиш мавсуми 15-21 октябрь оралиғида бошланди. Қолган 5 туман ва шаҳарда иситиш тизими 1 ноябрда ишга туширилади.

Туркистон шаҳри “Мавқе” маркази ташаббуси билан алоҳида эҳтиёжга муҳтож одамлар учун навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбирда иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан меҳнат ярмаркасининг аҳамияти ҳақида маълумот берилди. Ишсизлар корхона ва ташкилотлар тақлиф этган бўш иш ўринлари билан таништирилиб, доимий ишга йўлланма берилди. Ярмарка натижаларига кўра, бир фуқаро “CAPABLE GROUP” муассасасига, яна бири Некрасов номи 9-сонли мактабга ишга жойлашди.

Йил бошидан буён марказ томонидан ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида 2958 фуқаро доимий ишга йўлланма олган. 20 нафар алоҳида эҳтиёжга муҳтож фуқаро бандлик дастурлари доирасида доимий иш билан таъминланган.

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ ЎТДИ



2-сонли вилоят перинатал марказида уч эгизак – Ҳасан, Фотима, Хусан дунёга келди. Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғида Эгамбердиевлар оиласига яна уч фарзанд кўшилди.

27 ёшли Нозима Эгамбердиева 17 октябрь куни икки ўғлидан кейин яна 2 ўғил ва бир қизни дунёга келтирди. Бир неча кун шифокорлар назоратида бўлган гўдаклар ва она оиласига қайтди. Эгизаклар муддатидан аввал, яъни 34 ҳафтада жарроҳлик йўли билан туғилди. Улардан бирининг вазни 2 кг. 430 гр. бўлса, иккинчиси – 2 кг. 490 гр., учинчиси 1 кг. 730 грамм.

Шифокорларнинг айтишича, эгизаклар туғилгач, махсус парвариллаш бўлимида назоратда бўлган. Муолажа ва парвариллаш ишлари олиб борилган. Бугунги кунда чақалоқларнинг аҳволи яхши.

ЯНА УЧ ЭГИЗАК ДУНЁГА КЕЛДИ



»» Дўстлик қуёши порлайверади

Газетамизда аввал хабар қилинганидек, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси котиби, филология фанлари доктори, профессор, олтишдан зиёд китоблар муаллифи Қулбек Ергўбек қаламига мансуб “Адамның бір қызығы бала” китобини Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, қарноқлик шоир-таржимон Долимжон Сайфуллаев ўзбекчага ўғирди.



“Инсоннинг бир қувончи фарзанд эрур” деб номланган мазкур таржима китобини Туркистонда нашр қилдириб, адиб Қулбек Ергўбекнинг 70 йиллигига тўхфа қилди. Туркий халқлар кутубхонасида ўтган тақдирот маросими газетамизда кенг ёритилди. Ушбу китоб жорий йили Тошкентда ҳам нашр қилинди. Ҳар иккала китоб ҚР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдурахим Пратов ва “Ўлес” хайрия жамғармаси раиси Райимжон Қўчқоров сай-

АДИБ ҚУЛБЕК ЕРГЎБЕК – АБАЙ НОМИДАГИ ҚР ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОҲИБИ

«ИНСОННИНГ БИР ҚУВОНЧИ ФАРЗАНД ЭРУР» ЁХУД ТУРКИСТОНДА ВА ТОШКЕНТДА НАШР ҚИЛИНГАН КИТОБ

Долимжон Сайфуллаевни сидқидилдан муборакбод этиб, ижодда янги зафарлар тилаймиз. Фаол обуначимиз, Туркистондаги “ИАССЫ” консорциуми раҳбари, маънавият жонкуяри Умбет Абилдаули Жусипбаев ҳам хушxabар ҳақида ўз фикрини баён этди.

– Қулбек Ергўбек оғамиз ижодидан хабардорман. Жорий йил адибнинг ижод оламига кириб келганига 50 йил тўлиши билан ҳам қадрли. Китобнинг фалсафий сарлаҳаси ўринли.

Зеро, фарзандларимиз биз оталар учун ҳаётининг нафақат бир қизиги, балки умримиз моҳияти, мазмуни ҳамдир, десак муболага бўлмайди. ҚР Президенти Қ. Тоқаевнинг Қозоғистон халқига Мактубида, аксарият ҳужжатларида ёш авлод камолоти, ўсиб-униши, билим олиши, ўзи танлаган ихтисос соҳиб бўлиши учун қандай шароит зарур бўлса, барчасини яратиш мақсади кўйилган. Ёшлар шу имкониятдан ўринли фойдаланишса, нур устига нур.



Оғамиз Қулбек Ергўбекни давлат миқёсидаги энг юксак мукофот билан муборакбод этиш баробарида барча ташкилий масалаларда камарбаста, ҳолис хизматлари билан танилган “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси тахририяти, китобни ўзбекчага ўғирган моҳир таржимон Долимжон Сайфуллаевга ҳам муносиб ҳиссаси учун самимий миннатдорчилик билдирамыз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Қулбек Ергўбек ва Долимжон Сайфуллаев; Умбет Жусипбаев; адибга эҳтиром.

Муаллиф суратга олган.

P.S. Қулбек Ергўбек ёзувчи, адабий танқидчи сифатида фаолиятини бошлаганига жорий йили ярим аср тўлди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтган йил махсус анжуманда адибга тулпор миндирилиб, иззат-икром кўрсатилган, эзгу ниятлар баён қилинган. Тахририят адибга янги зафарлар ва ижодий муваффақиятлар тилаб қолади.



харакатлари билан вилоятимиз китобхонларига тақдим этилди.

Республика куни байрами арафасида хушxabардан воқиф бўлди. Яъни, ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Кемелули Тоқаев адиб Қулбек Ергўбекнинг “Адамның бір қызығы бала” асарини Абай номидаги давлат мукофотини бериш хусусидаги фармонини имзолади. Ақурдада мукофот ўз соҳибига тантанали равишда тақдим этилди. Китоб муаллифи Қулбек Ергўбек ҳамда таржимон

»» Туркистон вилояти – 6 ёшда

САВРОН ТУМАНИ ПЕШҚАДАМ

Вилоят марказидаги спорт мажмуасида Туркистон вилояти ташкил этилганга 6 йил тўлишига бағишланган анъанавий спартакиада ўтди.

Олтинчи марта ўтказилаётган тадбирда катта ёшдагилар ўртасида шашка бўйича Ўранғай қишлоқ округидан тажрибали устоз Нурлан Қадиров раҳбарлигидаги Саврон тумани шашкачилари жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллаб, фахрий ёрлик ва кубок билан тақдирланди. Ғалаба ва фахрли мукофот муборак бўлсин!

Нурлан Қадиров бунга қадар ҳам кўп йиллар мобайнида туман, вилоят миқёсида барча нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келган. ҚР Мустақиллиги ҳамда байрам саналарига бағишланган нуфузли мусобақалардаги ғалабаси учун мукофотлар, хусусан, ҚР шашка федерацияси маъмуриятдан ташаккурнома билан тақдирланган.

Нурлан Адилханули 1976 йили туғилган. А. Яссавий



номидаги ХҚТУнинг экологик-мониторинги ҳамда тарих-география ихтисосликлари бўйича тамомлаган. “Жанубий Қозоғистон” газетасининг жонкуяри бўлган Нурлан Адилханули кўп йиллар Ўранғай қишлоғидаги М. Аюезов номи мактабда директор лавозимида самарали меҳнат қилди.

Жорий ўқув йилидан бошлаб, у Ўранғай қишлоғидаги янгидан барпо этилган 3-сонли умумтаълим мактабига раҳбарлик қилмоқда. Янги ютуқлар, омад ва муваффақият ёр бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Раҳматулла ЁҚУБОВ
суратга олган.



ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Оқсувкент қишлоғидаги 7-сонли Бобур номи мактабда “Аралаш мактабларда давлат тилини ўқитиш сифатини оширишнинг мазмун-моҳияти” мавзусида тадбир ўтди.

Уни туман таълим бўлимининг услубият кабинети мудираси Г. Нуртанова очиб, бугунги кунда аралаш мактабларда давлат тилини ўқитиш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхтади.

– Туманда 98та мактаб, 103та мактабга таълим муассасалари мавжуд. Аралаш мак-

таблар сони – 78та. Бугунги кунда асосий эътибор давлат тилини ўқитиш сифатини яхшилашга қаратилмоқда, – деди у.

Тадбирда Сайрам туман жамоатчилик кенгаши ва “Қозоқ тили” жамияти туман филиалининг раиси М. Есалиев, туман таълим бўлимининг мактабга таълим ҳамда тарбия бўйича услубиятчи Қ. Сарманова, М. Аюезов номи мактаб директорининг мослашувчан ўқитиш бўйича ўринбосари М. Давлатова, Бобур номи мактаб директорининг тарбиявий ишлар

бўйича ўринбосари М. Тўйчиева, туман “Мартўбе” газетаси муҳаррири Н. Тўремуратов, таниқли шоир А. Бекбўлатули, “Saigam tv” телеканали муҳбири Данат Балқибекули, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасининг Сайрам тумани бўйича махсус муҳбири З. Мўминжонов иштирок этиб, давлат тилини ўқитиш сифатини ошириш масаласига оид фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

З. АҲМАДЖОНОВ.

Тасвирда: тадбир иштирокчилари.

САВРОНЛИК ТАДБИРКОРЛАР – ХИТОЙДА

Давлат раҳбари халққа йўлаган Мактубида аҳолининг фаровонлигини ошириш асосий мақсад эканлигини алоҳида таъкидлади.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди туман, шаҳар ҳокимларига сармоя жалб қилиш орқали янги иш ўринлари яратиш борасида аниқ топшириқлар юклаган эди. Мазкур топшириқнинг ижросини таъминлаш мақсадида Саврон тумани ҳокимлиги ташаббуси билан тадбиркорлардан иборат делегация Хитой давлатига хизмат сафари билан борди.

Сафардан кўзланган асосий мақсад – вилоятга сармоя жалб қилиш, икки томонлама савдо ва иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ва маҳаллий тадбиркорлар билан тажриба алмашиш эди. Савронликлар дастлаб Боро-Тала шаҳридаги Арасан мавзесидаги корхоналарни оралади. Балиқчилик, кўзиқорин ва ширин маккажўхори ишлаб чиқариш ишлари билан танишишди. Хитойдаги аква маданият маҳаллий аҳолининг шол иштириши туйғулари ривожланган. Гуруч етиштириш бўйича хитойликлар кўп



йиллардан буён карвонбошилиқ қилмоқда. Шаҳарда балиқчилик ҳам юксак даражада ривожланган. Хусусан, “Салқин сув” балиқчилик хўжалигида балиқларнинг узунлиги 4-5 метрга етади, вазни эса 90 килограммдан ошади.

Делегациянинг сафари Қорабуқа қишлоғида давом этди. Ушбу минтақада маккажўхори етиштириш ва уни қайта ишлаш юксак даражада ривожланган. “Шин Нонг” компанияси 350-400 гектар ерда маккажўхори етиштириб, ширин жўхори экспорт қилади. Кўзиқорин етиштирадиган “Кен юань” корхона фаолияти билан яқиндан та-

нишган делегация аъзоларига иш услублари батафсил тушунтирилди. Умуман Хитойда кўзиқориннинг 22 тури истеъмол қилинса, бу ерда 11 тури етиштирилган экан.

Хизмат сафарининг иккинчи куни савронликлар пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, уруғчилик ишлари билан танишди. Арасан шаҳри раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, уларни Туркистон шаҳрига тақлиф қилишди. Тадбиркорларнинг Хитойга хизмат сафари ҳафта охиригача давом этади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

“TURKISTAN MARATHON”

40 МАМЛАКАТ ВАКИЛЛАРИНИ БИРЛАШТИРДИ

Туркистон шаҳрида “Turkistan Marathon – 2024” марафони ўтди.

Тадбир Туркистон вилоят ва шаҳар ҳокимликлари шафелигида “Биринчи бўлиш – жасорат” корпоратив жамғармаси томонидан уюштирилди.

Мусобақа Visit Turkistan худудидида ўтди. Унда 40дан зиёд мамлакатдан 3000 нафар ҳаваскор спортчи қатнашди. Иштирокчилар Туркистон шаҳридаги муҳим иншоотларни оралаб, Бекзат Саттарханов кўчасидан аэропорт томонга югуриб, маррага қайтиб келишди.

Мусобақанинг очилиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Ертай Алтаев иштирокчиларни қўлгаб, уларга муваффақият тилади.

– Бугун шаҳримиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа – Туркистон марафони ўтмоқда. Бундай йирик тадбирнинг ай-



нан Туркистон шаҳрида ўтаётганидан мамнунмиз. Бу каби мусобақалар оммавий спортнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади ва кўҳна шаҳарнинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб этиш имконини беради, – деди Ертай Кенжебекули. “Turkistan Marathon” марафонининг узунлиги анъанавий равишда 10 чақирим, 21,1 чақирим – ярим

марафон, 42,2 чақирим – марафон ва 3 чақирим – 10-14 ёш оралиғидаги болалар учун мўлжалланган.

Таъкидлаш жоизки, марафон доирасида 35 ёшдан ошган иштирокчилар ўртасида 42,2 чақиримга югуриш бўйича Қозоғистон чемпионати ҳам ўтди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»»» Обуначиларимиз орасида

Ш. Ниёзов номли мактабнинг 90 йиллик тўйи

Туркистон шаҳридаги СССР халқ депутати Шароф Ниёзов номидаги умумтаълим мактабнинг 90 йиллик таваллуд тўйи нишонланди.

Мактаб тарихи ҳақида газетамиз саҳифаларида кўп мақолалар чоп этилди. Тарихи 1934 йилдан бошланадиган ўқув даргоҳининг биринчи директори Қосим Мансуров эди. Кейинги йилларда ҳаётини маърифат, ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этган фидойилар – Отахон Жалилов (1942-1966), УВУ фахрийси Турсунбой Алиев (1966-1979), Эргаш Диметов (1979-1992), Ҳикматулла Ажиметов (1992-2010), Хусан Диметов (2010-2023) самара-



ли раҳбарлик қилишди. 2023 йилдан бошлаб, ўқув даргоҳига фаол жамоатчи обуначимиз Айдар Масолиев раҳбарлик қилмоқда.

Мактабнинг уч қаватли янги ўқув биносини ҚР Фахрий фуқароси Собир Отаев раҳбарлигидаги "Ақ жол" МЧБ курувчилари бунёд этишган. Янги бинонинг қурилишига ўша кездеги вилоят маслаҳати депутати Раҳим Танирбергенов, мактаб ота-оналар кўмитаси фахрий раиси, тадбиркор Назар Шароповлар муносиб ҳисса қўшган. Тантананада шаҳар ҳокимлиги, маслаҳати, шаҳар таълим бўлими ва касаба уюшмалари раҳбарлари, вилоят, шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмалари вакиллари фаол иш-

тирок этишди. "Жанубий Қозоғистон" газетаси таҳририяти номидан ҳам табриклар янгради.

Мактаб бадий ҳаваскорлари иштирокидаги концерт дастурини спорт усталари маҳоратини намойиш этишди. Фаол ўқитувчиларга турли даражадаги мукофотлар тақдим этилди. Мактаб директори ўринбосари фаол обуначимиз Равшан Абдураимовнинг саъй-ҳаракатлари билан ушбу жамоа 90 нусха "Жанубий Қозоғистон" газетасига обунани давом эттирмоқда. Шу даргоҳнинг собиқ ўқувчиси Отабек Рустамбой ўғлининг ҳиммати билан келгуси ярим йилликка обунани давом эттирмоқда.

Фаол обуначиларимиз – мак-

таб ота-оналар кўмитаси раиси, бобоси Шароф Ниёзов, отаси Назар Шаропов каби ўзбекона дўпписи ўзига ярашган тадбиркор Шароф Шаропов раҳбарлигида Шароповлар авлоди вакиллари, Фаррух Ботирхон, Нуриддин Абдулҳақов, Бахтиёр Тўлабоев, Мамматсафо Йўлдошев, Ўқтам Нуриддинов, Зафар Рўзиев, Отабек Диметов каби кўплаб хомийлар ҳамда мактаб устозлар жамоаси ҳиммати билан ажойиб тўй ўтди.

Тўй, тантана муборак, азиз устозлар, собиқ битирувчилар ва ўқувчилар!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

ЭСКИ ИҚОНДА ЯНГИ МАКТАБ

**ЁКИ САВРОН ТУМАНИ
МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТИ
ДИЛМУҲАММАД ИРИСБОВ
БАРПО ЭТГАН ЗАМОНАВИЙ
ТАЪЛИМ ДАРГОҲИДА**



Саврон тумани маслаҳати депутати Дилмуҳаммад Ирисбоев Эски Иқонда барпо этган 600 ўринли, икки қаватли замонавий мактабга ташриф буюрди.

Мактаб директори Қудратулла Юнусов маориф соҳасида 38 йиллик меҳнат тажрибасига эга фахрий муаллим. Тошкент вилоятидаги Ангрэн педагогика институтини рус тили, адабиёти ихтисоси бўйича тамомлаб, Директорнинг ўринбосарлари Адаш Тошкенбоев, Умида Йўлдошева, Фотима Қўчқоровалар билан суҳбатда дарслик таъминоти масаласи билан қизиқдим. Янги мактаб кутубхонасига шу кишлоқдаги энг кекса муштарийимиз, маориф соҳаси бўйича ўринбосари вазифини адо этди.

Айни пайтда янги мактабда 285 ўқувчига 52 ўқитувчи

таълим-тарбия бермоқда. Устозлар ва шоғирдларнинг барчаси Ал Форобий номли мактабдан ўтган. Маҳаллага яқин янги мактабда бир навбатда ўқиш ўқувчилар учун ҳам қулай, ҳам завқли. Дарс машғулоти эрталаб 9.00да бошланади. Бепул тушликдан сўнг ўқувчилар ўзлари танлаган фанлар бўйича машғулотларда иштирок этишлари мумкин.

Директорнинг ўринбосарлари Адаш Тошкенбоев, Умида Йўлдошева, Фотима Қўчқоровалар билан суҳбатда дарслик таъминоти масаласи билан қизиқдим. Янги мактаб кутубхонасига шу кишлоқдаги энг кекса муштарийимиз, маориф соҳаси бўйича ўринбосари вазифини адо этди.

ота-оналар, иқонлик ҳимматли зиёлилар, депутатлар саъй-ҳаракатлари билан давом эттирилса, нур устига нур. "Жанубий Қозоғистон" газетаси таҳририяти ҳам "Кутубхонага менинг китобим" акциясига ўз ҳиссасини албатта қўшади.

Келгуси йили баҳорда янги мактаб илк бор битирувчиларини мустақил ҳаётга учирма қилади. Ўқиган ўзари. Барча шароит мухайё қилинган янги мактаб битирувчилари юксаклардан кўриниб, устозларининг ишончини оқлашига ишончимиз комил.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: мактаб директори Қ. Юнусов; директор ва ўринбосарлари мактаб ҳовлисида.

Муаллиф суратга олган.

»»» Хотира – муқаддас

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ – ФАРЗАНДЛАРГА ИБРАТ

Республика кўни арафасида Сайрам даҳасидаги Санжар Файзиев раҳбарлик қилаётган Аҳмад Яссавий номли бошланғич мактабда ўқ отишдан Иккинчи жаҳон уруши фахрийси, ўқитувчи Йўлдош Эргашев таваллудининг 99 йиллигига бағишланган очик турнир ўтди.



Мақсад – аждодларни хотирлаш, тинч-фаровон ҳаётини учун жонини фидо қилиб, жасорат кўрсатган уруш фахрийлари, фронторти меҳнатқашларининг қаҳрамонлиги ва фидоқорона меҳнатини қадрлаш, ёдга олиш, келажак авлод онгига синдириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Тадбир аввалида беллашув иштирокчиларига хотира турнири қаҳрамони Йўлдош Эргашевнинг ҳаёти ва фаолияти таништирилди.

Йўлдош Эргашев 1925 йил 12 декабрда Сайрам қишлоғида туғилган. 1943 йил 18 февралда Жанубий Қозоғистон вилояти, Сайрам туманидан ҳарбий хизматга сафарбар этилди. Ҳарбий унвони – катта сержант. I Беларус фронт таркибидаги 9-алоҳида танк корпуси, 23-танк бригадасига қарашли танк-десант ротасида взвод командири ёрдамчиси бўлиб хизмат қилди. Минск, Барановичи, Бобруйск, Брест шаҳарлари, Белоруссия,

Польша, Германия ҳудудларини озод қилиш ва Берлин, Рейхстагнинг ишғол қилишда иштирок этди. 1950 йил 20 июнда она қишлоғига қайтди. Жанговар хизматлари учун I даражали "Ватан уруши", "Қизил Юлдуз" ордени, "Жасорати учун", "Берлинни ишғол қилганлиги учун", "Германия устидан қозонилган ғалаба учун" ҳамда юбилей медаллари билан тақдирланган, "Қозоғистон халқ маорифи аълочиси". 2013 йил 2 июнда вафот этган.

Таълим муассасаларида ўтказилаётган шу каби тадбирлар ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик каби фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади. Ўқ отиш мусобақаси шаҳар таълим бошқармаси ташаббуси ҳамда мактабнинг бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчиси Шухрат Эргашев раҳбарлигида ташкил этилди.

Унда Қазигурт тумани, Турбат қишлоғи, Шимкент шаҳридаги "Ёшлар ҳордиқ маркази" жамоалари ҳамда Шимкент шаҳар мактабларидан жамоалар иштирок этишди. Беллашув натижасига кўра, ЁХМ жамоаси 1-ўрин, қазигуртликлар 2-ўрин, Шимкент шаҳридаги 96-сонли ва Яссавий номли умумтаълим мактаблари жамоалари 3-ўринни эгалладилар. Фолиблар фахрий ёрликлар, дипломлар ва медаллар билан тақдирланди.

М. УСМОНОВА.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Жетисай тумани Республика кўнида юксак савияда нишонлади. Тадбир доирасида Сатпаев қишлоғидаги маданият ва спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.



Туман ҳокими Серик Мамитов янги иншоотни оралаб, тўғарак иштирокчилари билан мулоқотда бўлди.

Тадбир доирасида хунармандчилик буюмлари, китоб ва сурат кўргазмалари уюштирилди. Тадбирда туман ҳокими С. Мамитов ҳамда туман маслаҳати раиси М. Қасимов, "AMANAT" партияси Жетисай тумани филиалининг ижроия қотиби, меҳнат фахрийлари ва маҳаллий аҳоли, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳамда маслаҳат депутатлари ва бошқалар иштирок этишди.

Туман ҳокими йигилганларни Республика кўни билан табриклади. Шунингдек, тумanning ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ фуқароларни тақдирлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

**Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БУРОНБОВ.

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.
Қазигурт – **Хуршид КҮЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.
Сайрам – **Зокиржон СЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
Тулқибоб – **Мунира СЎДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
Келес, Саригоҳ – **Малика ЭЛТОВА.** +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VRY00022503 гувоҳнома берилган.

"ERNUR-press" МЧБ бошқарувида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11000 нусха.

Биринчи
2018.

Набатчи муҳаррир: Хуршид КҮЧҚОРОВ.